

Янгиариқ туманида 2021 йилнинг январ-декабрь ойларида амалга оширилган ишлар ва келгуси 2022 йилда кутилаётган натижалар юзасидан ҳисобот

Янгиариқ тумани камбағалликни қисқартириш, янги ишчи ўринларини ташкил этиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида барча соҳаларда самарали ишлар олиб борилмоқда. Жумладан иқтисодий кўрсаткичлар ҳақида гапириб ўтсам.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми январ-ноябрь ойларида **197,9** млрд. сўмни ташкил қилди. 2021 йил якунига қадар **318,1** млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши кутилмоқда ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **102,3** фоизни ташкил этади.

2022 йилда 300 млрд. сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ялпи ҳажми январ-сентябрь ойларида **1** трлн. **215** млрд. сўмни ташкил қилди. Йил якунига қадар **2** трлн. **14** млрд. сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши кутилмоқда ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **139** фоизни ташкил этади.

2022 йилда 2 трлн. **300** млрд. сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Қурилиш ишлари ҳажми январ-ноябрь ойларида **167** млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати **102,0** фоизни ташкил этди. 2021 йил якунига қадар **191,0** млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажаралиши кутилмоқда ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **108,0** фоизни ташкил этади.

2022 йилда 289,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиши режалаштирилди.

Чакана савдо айланмаси январ-ноябрь ойларида **382,7** млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати **104,5** фоизни ташкил этди. 2021 йил якунига қадар **469,4** млрд. сўмлик чакана савдо айланмаси амалга оширилиши кутилмоқда ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **108** фоизни ташкил этади.

2022 йилда 502,0 млрд. сўмлик чакана савдо айланмаси амалга оширилиши режалаштирилди.

Шунингдек, жами хизматлар ҳажми январ-ноябрь ойларида **352,2** млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати **117,0** фоизни ташкил этди. 2021 йил якунига қадар

553,4 млрд. сўмлик хизматлар хажми амалга оширилиши кутилмоқда ва бу кўрсаткич ўтган йилга нисбатан **119,3** фоизни ташкил этади.

2022 йилда **640,0** млрд. сўмлик хизматлар хажми амалга оширилиши режалаштирилди.

Тадбиркорлик бўйича

Жорий йил 1 декабрь ҳолатига жами кичик бизнес субъектлари сони **1133** тани ташкил қилиб ҳозирда **1063 таси** фаолият юритмоқда. (*Бугунги кунда фаолиятсиз 70 та, шундан 63 таси ихтиёрий тугатиш жараёнида*).

Ўтган 2021 йил **январ-ноябрь** ойларида жами **538 та** янги тадбиркорлик субъектлари ташкил қилинди шундан, **168 таси** кичик бизнес субъектлари ва **370 таси** якка тадбиркорлардан иборат.

Шунингдек, вақтинча фаолият юритмаётган юридик шахсларни фаолиятини тиклаш бўйича тузилган ишчи гуруҳлар, солиқ органлари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотларнинг кўмаги, тушунтириш ва тарғибот ишлари натижасида ушбу корхоналарнинг фаолиятини қайта тиклаш ишлари олиб борилмоқда.

Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида **2021 йил январ-ноябрь** ойларида “Хар бир оила - тадбиркор”, “Ёшлар келажагимиз”, “Хунармандчиликни ривожлантириш” ҳамда “Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш” давлат дастурлари орқали **1512 та** тадбиркорлик субъектлари ва фуқароларга **38,9** млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Шундан, **508** нафар ёшларга **14,2** млрд. сўм ҳамда **922** нафар аёлларга **16,5** млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

2022 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали жами **53,0** млрд. сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳамда **1618 та** янги ишчи ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича

2021 йилнинг **январ-ноябрь** ойларида туман Аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази томонидан иш билан банд бўлмаган ишсиз фуқаролардан **1115 нафар** фуқароларни ишга жойлаштириш режалаштирилган бўлиб 1 декабрь ҳолатига **1118 нафар** ишсиз фуқаролар бандлиги таъминланди ва белгиланган режа **100 фоизга** бажарилиши таъминланди.

Шунингдек 2021 йил декабрь ойида **276 та** янги ишчи ўринлари

ташкил қилиниши режалаштирилган.

2021 йил январ-ноябрь ойлари давомида **1001** нафар фуқаролар жамоат ишларига жалб қилинди ва уларга **824** млн. сўм миқдорида иш ҳақи ҳисобланиб тўлаб берилди. Декабрь ойида **32 нафар** фуқароларни жамоат ишларига жалб қилиниши режалаштирилган.

2022 йилда 16 та йўналишда жами 9500 та янги ишчи ўринлари яратишни режа қилиб олдик. Жумладан:

1. Янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш ҳисобига - 460 та,
2. Корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига – 53 та,
3. Лидер тадбиркор лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига – 135 та,
4. Меҳнат вазирлиги субсидиялари орқали – 469 та,
5. Саноат лойиҳалари ҳисобига – 609 та,
6. Хизмат кўрсатиш лойиҳалари ҳисобига – 189 та,
7. Қишлоқ хўжалиги лойиҳалари ҳисобига – 1088 та,
8. Оилавий тадбиркорлик кредитлари ажратиш ҳисобига – 1618 та,
9. Аҳолига ижарага ер ажратиш ҳисобига – 3300 та,
10. Ерларни ўзлаштириш ва бўшаган ерлар ҳисобига – 120 та,
11. Пахта-ғалла кластери томонидан – 300 та,
12. Янги мева-сабзавотчилик кластерлари ҳисобига – 14 та,
13. Янги “Томорқа хизматлари” ташкил этилиши ҳисобига – 89 та,
14. Ижтимоий соҳа, Обод қишлоқ дастурлари қурилишида – 110 та,
15. Касбга тайёрлаб чет элга жўнатиш орқали – 180 та,
16. Жамоатчилик ишлари ҳисобига – 516 та ишчи ўринлари яратилади.

Ҳурматли депутатлар ва сессия иштирокчилари!

Бюджет тушумлари бўйича

2021 йилда бюджет даромадлари бўйича 34,0 млрд. сўмлик режани ортиғи билан бажариш бўйича режали ишлар амалга оширилмоқда. 2021 йил январ-ноябрь учун белгиланган режа 28,9 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса 1 декабрь ҳолатига белгиланган режа 33,3 млрд. сўмга ёки 115,2 фоизга бажарилди.

Темир дафтар бўйича

Янгиариқ туманида “Темир дафтар”га киритилган оилалар сони жами **796** тани ва улардаги оила аъзолари сони **3533** нафарни шундан, меҳнатга лаёқатли ишсиз аъзолари сони **727** нафарни ташкил қилади.

1 декабрь ҳолатига жами **712** нафар ишсиз оила аъзоларининг бандлиги таъминланди жумаладан, **403** нафарини ўзини-ўзи банд қилиш орқали, **89** нафари жамоат ишларига жойлаштириш орқали, **14** нафари оилавий тадбиркорликка йўналтириш орқали, **11** нафари ҳунармандчилик орқали, **63** нафари инвестиция дастурларини амалга ошириш орқали, **82** нафари кишлок хўжалиги йўналишида ишга жойлаштириш ва ижарага ер майдони ажратиш орқали ва **50** нафари қурилиш ишларига жалб қилиш орқали бандлиги таъминланди.

Бажарилган ишлар натижасида бугунги кунгача **718** та оила “Темир дафтар”дан чиқарилган. Натижада “Темир дафтар”да қолган оилалар сони **78** тани ташкил қилиб оилалар таркиби қуйидагича:

- 27 та ногирон аъзоси бор оилалар;
- 10 та яқка-ёлғиз ва кексалари бор бўлган оилалар;
- 9 та 4 ва ундан кўп болалари бор оилалар;
- 32 та ҳақиқатда эҳтиёжманд, даромад манбаини йўқотган ночор ва моддий кўмакка муҳтожлиги бор оилалар.

Аёллар дафтари бўйича

“Аёллар дафтари” бўйича 1-босқичда 3954 нафар аёллар ҳамда 2-босқичда 1477 нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож ишсиз хотин-қизлар “Аёллар дафтари”га киритилди.

Туманда бугунги кунгача “Аёллар дафтари”га киритилган 5431 нафар хотин-қизлардан Халқ депутатлари туман кенгашининг 2021 йил 27 апрелдаги №44/182-сонли қарорига асосан 1374 нафар аёллар, 2021 йил 31 майдаги №45/191-сонли қарорига асосан 1527 нафар жами 5300 нафар аёллар “Аёллар дафтари”дан чиқарилди, ҳозирги кунда “Аёллар дафтари”да 131 нафар хотин-қизлар мавжуд.

Ёшлар дафтари бўйича

Бугунги кунда “Ёшлар дафтари”га 3357 нафар ёшлар киритилиб, шундан 3229 нафарини муаммолари ҳал қилиниб, қуйидаги тоифалар бўйича дафтардан чиқариш ишлари давом этмоқда.

Жумладан:

- 505 нафарини бандлигини таъминлаш шундан (319 нафари доимий ва 186 нафари жамоат ишига) орқали;

- 185 нафарини имтиёзли кредит (3 млрд 940 млн сўм) ажратиш орқали;
- 64 нафарини субсидия ажратиш орқали;
- 378 нафарини уста-хунармандларга бириктириш орқали;
- 317 нафарини миграция орқали;
- 303 нафарини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали;
- 1374 нафар ёшларга 240 гектар экин ер майдони ажратиш орқали;
- 68 нафарини ҳайдовчилик касбига ўқитиш орқали;
- 10 нафарини пайвандчилик касбига ўқитиш орқали жами 3229 нафар ёшлар дафтардан чиқарилди.

Бугунги кун ҳолатига “Ёшлар дафтари” да турган 128 нафар ёшларни муаммолари ўрганилиб, “Ёшлар дафтари” дан чиқариш чоралари кўрилмоқда.

Аҳолини уй-жойга бўлган талабини қондириш бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитларини ажратиш орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-33-сонли фармонида кўра Янгиариқ туманида 113 та шулардан, 18 таси шаҳарларда, 72 таси қишлоқ жойларида, 23 таси уй-жой қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидиялар берилиши режалаштирилган.

Бугунги кунда уй-жой сотиб олишда давлат субсидиясини олиш учун жами 181 та аризалар келиб тушди, шулардан жами 49 та аризалар уй-жой комиссияси томонидан ижобий ҳал этилди. Жумладан 16 таси шаҳар жойларидан, 32 таси қишлоқ жойларидан ва 1 таси яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидиялар бериш тўғрисида ижобий хабарномалар берилган. Режа бўйича қолган 2 та шаҳар жойларидан, 40 та қишлоқ жойларидан ва 22 та оилага яқка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва реконструкция қилиш учун субсидиялар берилиши кўзда тутилган.

“Янги Ўзбекистон” массивларини барпо қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш тўғрисидаги ПФ-32-сонли Фармонига асосан Янгиариқ туманидаги “Дўстлик” маҳалласи танлаб олинди.

Янгиарик туманининг аҳолиси бугунги кунда 118,3 минг нафарни ташкил қилади. Аҳолининг кўпайиши ҳисобига 2030 йилга бориб 149 минг нафарни ташкил қилиши кутилмоқда. Аҳолининг уй-жойга бўлган талаби келиб тушган муурожаатларга кўра 1000 дан зиёдни ташкил қилмоқда.

“Янги Ўзбекистон” массивини барпо этиш учун 6,5 гектар майдон танлаб олинди. Массивда жами 37 та 5 қаватли 770 та хонадонли уй-жойлар, жумладан, 2022 йилда 8 та 5 қаватли 160 та хонадонли уй-жойлар қурилади. Шунингдек, 2022-2026 йилларда массивдаги мавжуд 560 ўринли мактаб реконструкция қилиниб, қўшимча 330 ўринли қўшимча бино қурилади. Массив ҳудудида 240 ўринли савдо комплекси ташкил қилинади. Маиший хизмат кўрсатиш шоҳобчалари ишга туширилади. Бунинг натижасида 35 та янги ишчи ўринлари яратилади.

“Яшил макон” лойиҳаси бўйича

Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида жорий йилнинг 2 ноябрь куни бўлиб ўтган видео-селектор йиғилишида белгилаб берилган кўчат экиш бўйича “Долзарб 40 кунлик” топшириқ ижросини таъминлаш бўйича туманда 2021 йил куз, 2022 йил баҳор ойларида жами 939 минг дона шундан 2021 йил куз мавсумида 355 минг дона манзарали ва мевали дарахтлар экилиши режалаштирилган бўлиб бугунги кун ҳолатига 277,3 минг ёки 78,1 фоизга бажарилиб кўчат экиш ишлари давом қилмоқда.

Инвестиция лойиҳалари бўйича

Туманни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш, маҳаллий ва хорижий инвесторларни жалб қилиш, туманнинг инвестицион жозибардорлигини ошириш мақсадида бир қатор самарали чора-тадбирлар амалга оширилди.

Олиб борилган ишлар натижасида олдимизга қўйилган экспорт ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ўзлаштириш режаларини ортиғи билан бажаришга эришдик. Хусусан, жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига туманда 31,9 млн.долларлик (режага нисбатан 135,4%) тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган бўлса, жами 12,3 млн.долларлик шундан 4,9 млн.долларлик саноат маҳсулотлари, 7,4 млн.долларлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортга ортилди.

Шу билан бирга, туман аҳолиси доимий иш ўринлари билан таъминлаш, туманда саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб

чиқариш ҳажмларини ошириш ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш мақсадида 208 та лойиҳалар доирасида 1,6 трлн.сўмлик инвестицияларнинг ўзлаштирилиши натижасида 2,8 минг янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига 718,7 млрд.сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши ҳисобига 152 та лойиҳалар ишга туширилиб, 1193 та янги иш ўринлари яратилишига эришилди.

Бундан ташқари, “Хоразм вилоятини 2022-2026 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури”га асосан Янгиарик туманида ҳудудий инвестиция дастури доирасида 2022 йилда 35 та лойиҳаларда 1,4 трлн.сўмлик инвестициялар ўзлаштирилиши натижасида 715 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган. Жумладан:

- Туркиялик инвесторлар таъсисчилигида ташкил қилинган "ODAS Enerji SA" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси томонидан 105,0 млн.долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар сарфланиши ҳисобига қуввати 174 МВт лик газ-турбинали электр станция ташкил қилиниши натижасида 300 та янги иш ўринлари яратилиши;

- "Yanagro System" МЧЖ шаклидаги қўшма корхонаси томонидан 121,0 млрд.сўмлик, шундан, 30,0 млрд.сўм ўз маблағлари, 5,5 млн.долларлик хорижий кредитлар, 3,0 млн.долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар сарфланиши ҳисобига томчилаб суғориш ускуналарини, фильтрлар ва иссиқхоналар учун плёнкалар ишлаб чиқаришни ташкил қилиш лойиҳаси амалга оширилиши натижасида 100 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Ҳоким ёрдамчилари

Муҳтарам Президентимиз ташаббуси билан ҳар бир маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман ҳокимининг ёрдамчиси лавозими таъсис этилди. Туманда 39 та маҳаллага ҳоким ёрдамчилари суҳбат асосида танлаб олинди. 2022 йил 1 январдан бошлаб ҳоким ёрдамчилари маҳаллаларда ўз иш фаолиятини бошлайди.

Ҳоким ёрдамчилари маҳаллаларда қуйидаги ишларни амалга оширади:

1. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратиладиган кредитлар бўйича тавсиялар бериш;

2. Маҳалладаги ишсиз аҳолини иш билан таъминлаш, уларга доимий даромад манбаини яратишга кўмаклашиш учун устувор равишда

маҳалладаги муваффақиятга эришган тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда фаолиятини олиб боради;

3. Республика вакиллари билан биргаликда ўзига бириктирилган маҳаллани ривожлантириш бўйича 2022 йилга мўлжалланган «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқади ва ижросини таъминлайди;

4. Ажратилаётган ресурслардан самарали фойдаланиш юзасидан доимий мониторингни амалга оширади;

5. Амалга оширилган ишлар натижадорлиги юзасидан туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари билан биргаликда доимий равишда **ҳокимга ҳисобот** бериб боради.

Ҳоким ёрдамчилари маҳаллани ривожлантиришда ўзига берилган ваколатлардан самарали фойдаланиши зарур.

Ҳурматли депутатлар ва сессия иштирокчилари!

2021 йилда туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида йўл қўйган камчиликларни бартараф қилиш ва 2022 йилда устувор вазифаларни амалга оширишда тумандаги барча ташкилот раҳбарлари ўзига бўлган масъулиятни яна бир бор оширган ҳолда иш олиб бориши лозим.